

Аллоҳ таолонинг ваъдаси ҳақ



12:00 / 16.02.2021 2258

«Мискинга ва йўқсил йўлчи»нинг ҳаққини ҳам адо эт.

«Мискин» – ҳаёт ўтказишда моддий жиҳатдан қийналиб қолган камбағал одам.

«Йўқсил йўлчи» – ўз юртида бой-бадавлат бўлса ҳам, сафарда турли сабабларга кўра ночор иқтисодий ҳолга тушиб қолган шахс. Мана шу тоифадаги кишиларнинг ҳам бой-бадавлат мусулмоннинг молу мулкида Аллоҳ тайин қилган ҳаққи бор. Қуръони Карим бой-бадавлат кишиларга ота-она, қариндош, мискин ва кўчада қолганларга қўлларидаги молу мулкдан сарфлашни амр қилиш билан бирга:

«Исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйма», демоқда.

Ислом нуқтаи назарида исрофгарчилик ноҳақ, ҳаром-хариш йўлларга мол-дунё сарфлашдир. Агар инсон бору йўғини ҳақ йўлда сарф қилиб битирса ҳам, исрофга йўл қўйган ҳисобланмайди. Аммо ноҳақ ишга, ҳаром-харишга арзимаган пул сарфласа ҳам, исрофгарчиликка йўл қўйган бўлади.

﴿أَرْوُفَكَ وَبَرُّنَا طَيِّبٌ شَلَانَا كَوْنِي طَيِّبٌ شَلَانَا وَخُإِ أُونَاكَ نِي رَدْبُ مَلَانَا﴾

«Албатта, исрофчилар шайтонларнинг биродарлари бўлганлар. Шайтон эса Роббига ўта ношукр бўлгандир» («Исро» сураси, 27-оят).

Исрофчилар неъматнинг қадрига етмайди, унга шукр этмайди. Агар шукр этса, уни исроф қилмасдан, неъматни берган Зотнинг розилиги йўлида сарф этган бўларди. Исрофчилар ношукр бўлганлари учун ўзларига берилган неъматни ботилга, ноҳаққа, ҳаром-харишга, маъсият ва ёмонликка сарф қиладилар. Улар бу борада шайтонга биродар бўладилар. Шайтон эса ношукрликда донғи кетгандир. Албатта, шайтонга биродар бўлган исрофчиларнинг бошига ҳам ўз биродарлари шайтони лаъиннинг бошига тушган бало-офатлар тушиши турган гап.

﴿أَرُونِي مِمَّا أَلْقَوْا وَمِمَّا هُمْ كَاذِبُونَ﴾

«Агар Роббингдан умид қилаётганинг раҳматни талаб қилган ҳолда улардан юз ўгирадиган бўлсанг, бас, уларга мулойим сўз айтгин» (28-оят).

Яъни, қўлингда берадиган нарсанг бўлмаса, ота-она, қариндош, мискин ва йўлда қолганларга моддий ёрдам бера олмай, юз ўгирадиган бўлсанг, Роббингдан келажакда сенга ҳам ризқ-рўз – раҳмат талаб қилган ҳолда уларга ширин сўз айт. «Ўзимда ҳеч вақо йўқ-ку, сенларга нимани берар эдим! Бошимни айлантириб келаверасанларми?!» каби қўпол сўзларни айтиш яхши эмас. «Кечирасизлар, ҳозир бир оз қўлим қисқароқ бўлиб турувди, Аллоҳнинг раҳматидан умидвормиз. Бизга ҳам неъматидан бериб қолса, иншааллоҳ, сизларга берамиз», каби ширин сўзлар айтиш керак.

Силаи раҳмга Набий алайҳиссаломнинг суннатларида ҳам алоҳида аҳамият берилган.

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ حَقَّ تَقَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ﴾

Абу Айюб Ансорийдан ривоят қилинади:

«Бир аъробий Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўлларини тўсиб:

«Менга жаннатга яқинлаштирадиган ва дўзахдан узоқлаштирадиган амалнинг хабарини беринг», - деди.

деди».

Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.

Бу ҳадиси шарифдан қариндошлик ҳаққи қанчалар улуғ эканини билиб оламиз. Бу ҳақ Аллоҳ таоло Ўз махлуқотларини яратиб бўлиши билан собит бўлган ҳақлардан экан.

Аллоҳ таоло Ўзининг холиқлик сифати ила барча махлуқотларни яратган чоғдаёқ раҳм дарҳол ўрнидан туриб, қариндошлик алоқалари кесилишидан паноҳ сўраган экан. Ўшанда Аллоҳ таоло қариндошлик алоқасини боғлаганлар ила алоқа боғлашга ва уни кесганлардан алоқасини кесишга ваъда қилиб, уни рози этган экан.

Аллоҳ таолонинг ваъдаси ҳақ эканига заррача шубҳа йўқ. Бас, ҳар бир мўмин-мусулмон банда қариндошлик алоқасини яхшилаб боғлаб боришга ҳаракат қилиши лозим.

Ҳадисни ривоят қилувчи улуғ саҳобий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу бу ҳадис маъносининг тасдиғи Қуръони Каримда ҳам борлигини таъкидлаб, «Муҳаммад» сурасидаги оятни ўқиб кўришни тавсия қилган эканлар.

«Бахтиёр оила» китобидан